

**ЛОЙИХА -СМЕТА , ( ҚИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ  
ШАРТНОМАСИ № 50235**

Фаргона шаҳри

2022 йил “26” октябр

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фаргона давлат университети номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Б.Шермуҳаммадов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **Фарғона лойиха қурилиш таъмирлаш МЧЖ** номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари А.Ибрагимов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқукий базаси тўғрисида»ги қонуни, Қурилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

### **1.Шартнома мавзуси**

1.1.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Фарғона шаҳар ал-Фарғоний қўчасида жойлашган Спорт соғломлаштириш мажмуаси** обьекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса **махсус ҳисоб рақамидаги ажратилган маблагдан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади**.

### **2.Шартнома бўйича ишлар қиймати**

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. «22» октябр кунги танлов ҳайъати йиғилишининг 159017-сонли баёнига асосан жорий нархларда ККС билан 150 000 000 (**Бир юз эллик миллион**) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “15” иш қунини ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “16 ” Ноябр да буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### **3.Пудратчининг мажбуриятлари**

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошка меъерий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2 Пудратчи иш ҳажми давомида лойиха муаллифлиги мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.3. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

### **4.Буюртмачининг мажбуриятлари**

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

### **5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.**

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоиз микдорида авансни ўтказади.

5.2.Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилгандан сўнг обьект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

## **6.Ишларни бажариш**

6.1. Пудратчи лойиҳа-СНИП ишларига лойиҳа бош муҳандисни тайинлайди.Бош муҳандис лойиҳа-смета ҳужжатлари ҚМҚ, ШНК ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қиласи, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатда, қурилиш ишларини бажариш давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли қилиб бажаради.

## **7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш**

7.1.Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниқлагандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишда огоҳлантиради ва камчиликларни кисқа муддатда бартараф этилишини талаб қиласи. Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз хисобидан бартараф қиласи.

## **8. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

## **9. Кафолатлар**

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, қурилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўртасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

## **10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

10.1.Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди. Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2.Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараённида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараённида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккингчى томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур буйича лойиҳа ишларига маблағлар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пеняниң умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган

қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняниңг умумий суммаси обьект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида обьектда лойиха-смета хужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар ҳисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарар тўлигича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняниңг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мulkнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни коплайди.

10.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чикиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## 11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслиқ;

- шу жумладан, пора таклиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

- томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар қўрилишини кафолатлайдилар;

- агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий хуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

## 12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун хужжатларида бекор билан тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## 13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли қарорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиши фаолиятини амалга ошириш учун белгиланган тартибда Пудрат ташкилотига берилган лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланган ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганлиги маълум бўлиши).

13.2. Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунинга қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин.

13.3.Шартномани бекор қилишга қарор қилған томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.3.Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

#### 14.Алоҳида шартлар.

14.1.Мазкур шартнома Фарғона вилоят Газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг юридик кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

#### 15.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

“Пудратчи”

Фарғона давлат университети	Фарғона лойиха қурилиш таъмиrlаш МЧЖ
Манзил: Farg'ona davlat universiteti Farg'ona shahar, Murabbiylar k-si 19-uy. TEL/Fax: 244-44-93, 244-44-28	Манзил: Фарғона шаҳар Ватан равнақи 37/9
X/P: Shxr: 400910860304017094100079001 STIR 201133366 OKONX 92110 Ozbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi G'aznachifligi MFO: X/r 23402000300100001010	X/P: 2020 8000 5002 5922 8001 Миллий банк Фарғона вилоят филиали
СТИР: XKKM Markaziy bank Toshkent shahar BB ККС тўловчи коди: 00014 STIR 201122919	МФО:00493 СТИР:302720542 ККС тўловчи коди:
Ректор:  Б.Шермуҳаммадов	Рахбар:  А.Ибрагимов

#### Хукукий хуласа.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий хужожатларга асосланган холда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Компания юристи 

**159017 лот юзасидан шаклланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

25.10.2022 14:49

Комиссия раиси:

ASRAQULOV ABDURAXMON SULTONOVICH

